

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта
махсус таълим вазирлиги
Бухоро давлат университети**



**Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик халқаро
илмий форуми: замонавий ёндашувлар ва
истикболлар**

**мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман
материаллари
ТЎПЛАМИ**

Бухоро - 2021

«Тил, адабиёт, таржима, адабий танқидчилик халқаро илмий форуми: замонавий ёндашувлар ва истиқболлар» халқаро илмий-амалий анжумани материаллари. Бухоро – 2021. – 666 бет

Масъул муҳаррирлар:

Менглиев Баҳтиёр Ражабович – филология фанлари доктори, профессор

Жўраева Малоҳат Мухаммадовна – филология фанлари доктори, доцент

Таҳрир хайъати:

О.М.Файзуллаев, М.Б.Аҳмедова, Н.Б. Атабоев, Ж.И.Мизрабова,
З.Т.Сафарова, З.Р.Собирова, З.Ғ.Рўзимуродова, У.С.Тоирова

Такризчилар:

Бақоева Муҳаббат Қаюмовна – ф.ф.д., профессор

Қаршибаева Улжан Давировна – ф.ф.д., профессор

Мақолаларни тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Инглиз адабиётшунослиги кафедраси доценти, ф.ф.ф.д. М.Б.Аҳмедова

Ушбу тўпلامда жамланган мақолалар хорижий тилларни ўқитишнинг замонавий ёндашувлари ва истиқболлари, корпус лингвистикаси масалалари, медиалингвистика ва лингвистик тадқиқотлар, қиёсий адабиётшуносликнинг долзарб муаммолари, Ўзбекистонда таржима мактаби яратиш ва уни ривожлантиришда инновацион ғоя ва технологияларни қўллаш масалалари доирасида мутахассисларнинг тажриба ва фикр алмашинувини таъминлашга хизмат қилади.

Ҳавола этилаётган мақолаларнинг савияси ва мазмуни учун муаллифларнинг ўзлари масъул ва жавобгардир.

ТРАНСФОРМАЦИЙ ПРИ ПЕРЕВОДЕ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ ЛИТЕРАТУРЫ.....	456
Давыдходжаева Ш.И. АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ ПЕРЕВОДА: ПЕРЕВОДЧЕСКАЯ ОШИБКА.....	461
М.А.Бокарева. РЕЦЕПЦИЯ ЖАНРОВЫХ УСТАНОВОК И.А.ГОНЧАРОВА В РОМАНЕ В.В.НАБОКОВА «ЗАЩИТА ЛУЖИНА».	465
Махмудова Юлдуз Аскар қизи. ВОСТОЧНЫЕ МОТИВЫ В ПОЭЗИИ С.ЕСЕНИНА.....	470
Ишанкулова Диёра Алловидиновна. ПОИСКИ ПОДЛИННОГО ХАЙЯМА.....	474
Нуридинова М. Ж. ЖАНРОВО-СТИЛЕВАЯ АМБИВАЛЕНТНОСТЬ РОМАНА А. БИТОВА «ПУШКИНСКИЙ ДОМ».....	481
Рамазанова Нозима. ОБРАЗ «МАЛЕНЬКОГО ЧЕЛОВЕКА» В РУССКОЙ ЖЕНСКОЙ ЛИТЕРАТУРЕ (НА ПРИМЕРЕ ТВОРЧЕСТВА Н.ТЕФФИ, Л.ПЕТРУШЕВСКОЙ, Т.ТОЛСТОЙ)	484
Исмаилов Ф.Ф.ПРОТИВОПОСТАВЛЕНИЕ ВРЕМЕННОГО И ВЕЧНОГО В СОВРЕМЕННОЙ ПРОЗЕ.....	489
Каландарова Фарангиз Касимовна. СВОЕОБРАЗИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ МЕТАФОР В РОМАНЕ М.БУЛГАКОВА «МАСТЕР И МАРГАРИТА».....	494
Djalilova Z. FLOWERS SYMBOLIZING HUMAN FEATURES IN ENGLISH ROMANTIC POETRY.....	497
Samandarova Sojida Furqat qizi. IDEOLOGY IN GEORGE ORWELL'S POLITICAL NOVEL "NINETEEN EIGHTY FOUR"	500
Abdullayeva G.G. TARJIMASHUNOSLIKDA SINXRON TARJIMANING TUTGAN O'RN'I	504
Islomova Gulnoza Xotam qizi. BILDUNGSROMAN AS A LITERARY GENRE	506
Qurbonova Oltinoy Bekmurotovna. IBROHIM G'AFUROVNING SO'Z QO'LLASH MANORATI	510
Мухаммедова Нилуфар Элибоевна.МИЛЛИЙ ИНГЛИЗ АЁЛ ХАРАКТЕРИНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ.....	513
Усмонова Зарина Ҳабибовна. СТИВЕН КИНГ АСАРЛАРИДАГИ ЗАМОН ВА МАКОН МУАММОСИ	515
Kakharova Mohigul Yusufovna PSYCHOLOGY OF HEROES IN ENGLISH REALISTIC AND ADVENTURE NOVELS.....	518
Исмонлова М.Н. РОЛЬ ЦИТАТЫ В ПОСТМОДЕРНИСТСКОЙ ПОВЕСТИ А.КОРОЛЕВА «ГОЛОВА ГОГОЛЯ».....	522
3 – ШЎЪБА. АДАБИЙ ТАНКИДЧИЛИК, АДАБИЙ ЖАРАЁНЛАР, АДАБИЁТДА МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТ ВА МАЪНАВИЯТ МАСАЛАЛАРИ ...	530
Меҳринигор Баходировна Аҳмедова. “МАЪНАВИЯТ” ВА “МАЪРИФАТ” КОНЦЕПТЛАРИНИНГ ЖАДИД АДАБИЁТЛАРИДА ЁРИТИЛИШИ.....	530

СТИВЕН КИНГ АСАРЛАРИДАГИ ЗАМОН ВА МАКОН МУАММОСИ

**Усмонова Зарина Ҳабибовна,
Инглиз тилшунослиги кафедраси
катта ўқитувчиси**

“Ҳар бир асарга ёндашганда уни ижодкор истеъдоди табиатига асосланиб ўрганиш, асар бетакорлигини ўша адибга Оллоҳ берган буюк неъмат – истеъдод ҳосиласи деб қараш керакка ўхшайди.” [1,154] XX аср Америка адабиётининг машҳур намўналаридан бири бўлмиш Стивен Эдвард Кинг тириклигидаёқ классиклар сафидан жой олишга улгурди. Стивен Кинг 40 дан ортиқ роман, 3 та хикоя ва қиссалар тўплами ва 2 та электрон роман ёзиб қолдирди. Унинг китоблари

¹ Creighton, J. Contemporary Writers: Margaret Drabble. 1985. – Methuen, London and New York.

² Rose, E. C. Critical Essays on Margaret Drabble. Boston, Massachusetts. 1985. – P. 21.

дунёнинг 33 та турли тилларига таржима қилинган ва 35 мамлакатда нашр қилинган. Стивен Кинг ҳаммага илмий фантастиканинг энг машхур муаллифи сифатида танилди. Бундан ташқари Стивен Кинг қатор мукофотлар совриндори ҳисобланади:

“Stephen King is the winner of many literary awards – “Brema Stoker”, “World Fantasy”, “For Contribution to World Fantasy”. [2,9247]

Стивен Кингнинг диққат эътиборини инсон ва жамият ҳаётида рўй берувчи ғайриоддий воқеалар, инсон табиатидаги муқаддас ва юксак туйғулар, инсон, табиат ва жамиятда яширинган ҳамда пайти келиб ташқарига портлаб чиқиб, атроф борлиқни таниб бўлмас даражада ўзгартириб юборишга қодир оддий, кундалик воқеалар жалб этади.

«Лангольерлар» романида ҳам Ствен Кинг яна инсоннинг экстремал шароитларда ўзини тутиши мавзусига қайтади. Бу романда «ташқи дунёдан ажралиб қолган» бир-бирлари билан мутлақо таниш бўлмаган ўн кишидан иборат бўлган гуруҳ тасвирланади. Уларнинг барчаси турли ёшдаги ва турли касб эгалари бўлган инсонлар, шу тариқа асарнинг «коллектив қаҳрамони»га айланишади. «Туман» асарининг коллектив қаҳрамони «Лангольерлар»нинг «коллектив қаҳрамон»и мисолида ўзининг муносиб ворисини топади. Бу

ҳақида Андрей Чемоданов шундай ёзади:

«Из

специфики коллективного героя вытекает и характерное чередование шоковых эмоционально-событийных всплесков с многостраничными диалогами-диспутами.» [3,17]

«Лангольерлар»нинг коллектив

қаҳрамони – эл қатори ҳаёт кечирувчи оддий одамлар. Уларнинг бари тақдир тақозоси билан экстремал шароитга тушиб қолишади. Уйқудан уйғониб, не ажабки улар Боинг бортида ўзларидан бошқа ҳеч ким қолмаганидан огоҳ бўлишади. Самолётнинг қолган барча пасажирлари ва улар билан бирга авиалайнернинг экипажи сирли равишда қаёққадир ғойиб бўлишган эди. Салондаги ўриндикларда фақатгина куйидаги нарсалар қолган эди:

«... jewelry on almost every seat: wedding rings, mostly, but there were diamonds, emeralds, and rubies... There were studs, necklaces, cufflinks, ID bracelets. And watches, watches, watches. From Timex to Rolex, there seemed to be hundreds of them, lying on seats» [4,40]

«драгоценности: в основном обручельные кольца, но среди них были и бриллианты, рубины, изумруды ... На многих сиденьях валялись запонки, ожерелья, браслеты, но больше всего было часов. Часы, часы, часы лежали повсюду – от дешёвёуы часов Таймкс до самых дорогих и престижных, типа Ролекс.»

Пассажирлар уйқуда эканликлариди қандай воқеа рўй берганини ҳеч ким билмасди. қолган пассажирлар қаёққа ғойиб бўлишди? Экипаж аъзолари қаёқда? Ва энг асосийсиэнди нима қилиш керак? Бу ва бошқа саволларга жавоб топиш учун асар қаҳрамонларининг бари бирлашишлари керак, фақат биргаликдагина юзага келган ҳолатдан чиқишнинг бирор чорасини топиш мумкин. «Туман»даги каби «Лангольерлар»да ҳам Стивен Кинг одамлар ўртасида муносабатларга алоҳида аҳамият беради. «Туман»да тасвирлангани каби «Лангольерлар»да ҳам қаҳрамонларга нафақат ташқаридан, балки ўзларининг ичидан ҳам хавф таҳдид

солади. Мазкур хавф руҳан носоғлом инсон, болалигида ота-онаси миясига куйган балолардан кутилмаган инсон – мистер Крейг Тумми тимсолида намоён бўлади. Бангор аэропортида нима рўй беришини Крейг олдиндан ҳис қилади. У ўзига бир умр тинчлик бермаган фалокат мана ниҳоят рўй беришини сезади. У бу балога бутун умр чап беришга ҳаракат қилган эди:

«Of course he knew. It was the langoliers. The langoliers had come for all the foolish, lazy people, just as his farther had always said they would.»

«Он знал, что это лангольеры. Это они всему виной. Они забирают всех этих глупых, ленивых людей, как в свое время ему всегда внушал отец.» Бирок, «Туман» асарига тобора кўпроқ одамларни ўзи тарафига тортишни истаган диний фанатик миссис Кармодидан фарқли ўларок, мистер Тумми гуруҳдан йироқлашишга ҳаракат қилади. Крейг фақат ўзини ўйлайдиган инсон. У худди оканнинг энг чуқур бурчакларини ўзларига макон қилган балиқлардек доимо ташқи босим остида яшаган. Крейг Тумми учун бутун дунё Ҳаёт Дастуридан иборат, шунинг учун ҳам агар:

«And if you are not the part of this Program of Life the langoliers certainly will come and cut you off from this Program.» [6,188]

«Ты не являешься частью Программы жизни, обязательно придут лангольеры и вырежут тебя из этой программы.» [7,162]

Йигирманчи асрда замон ва масофа ҳисси анча мураккаблашди. Стивен Кинг ўз асарларида реал замондан йироқлашади. Жумладан, метафизик маконда йўқолиб қолган пассажирлар ўриндикларида қолган соатларни муаллиф реал замон тимсолида қўллайди.

В.Г.Злобин замонни «Инсониятнинг бош врач.-деб ҳисоблайди. – Замоннинг тўхтатиб бўлмас ғилдираги барча интилишларни, ҳаракатлар ва умидларни синдиради, йўққа чиқаради.»[8,17]

«Лангольерлар» романида замон категорияси илк маънода қўлланилади. Вақт гўё тўхтаб қолгандек, «кеча» билан «бутун»нинг орасида осилиб тургандек. Шу билан бирга у ўз ҳаракатини тезлаштиради. Стивен Кинг ўз романида инсониятни бир неча асрлардан бери қийнаб келган «Ўтган кунимиз қаёққа кетади?» деган фалсафий саволга жавоб топишга ҳаракат қилаётгандек туюлади. Фалсафий замон категориясини таҳлил қилиб, адиб замондан ортда қолмаслик нақадар муҳим эканлиги ҳақида ўйлашга мажбур қилади – ҳамма ишни ўз вақтида қилиб улгуриш керак, токи кеч бўлмасин.

«Лангольерлар» романида ҳам, «Туман»да ҳам Стивен Кинг ўқувчини бўлиб ўтаётган воқеаларнинг ҳаққонийлигига ишонтириш учун натуралистик тасвирдан (жумладан, табиат тасвирида) кенг фойдаланади. Стивен Кинг ўз асарларида қахрамонлар ички дунёсини таҳлил қила туриб, психологизм усулидан кенг фойдаланади. Ўз ижодида кенг китобхонлар оммасини жалб қиладиган илмий фантастика жанрини қўллаган Стивен Кинг замонавий фалсафий масалаларни кўтариб чиқади, бу эса унинг романларини «бульвар китоб»лар қаторига эмас, балки чуқур таҳлилни талаб қиладиган жиддий фалсафий асарлар қаторига қўшишни тақозо этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ҳамиддулла Болтаев, Янги назарий тамойиллар, Жаҳон адабиёти, 2008, Б.154.
2. Zarina Habibovna Usmonova, Features of Fantastic works (on the example of the works of Ray Bradbury, Isaac Asimov and Stephen King), International Journal of Psychosocial Rehabilitation. Vol. 24. Issue 06,2020., P. 9247
3. Андрей Чемоданов, Данила Дубшин, Литература, М. 1998, стр. 17
4. Stephen King, The Langoliers, New-York, 1990, P.110
5. Стивен Кинг, Лангольер, М., 1991 г., стр. 35
6. Stephen King. The Fog. New-York, 1990 у., P.188
7. С.Кинг, Туман, М., 1991 г., стр.162
8. Злобин В.Г. По ту сторону мечты. М., 1989, стр.17.